

АКТЁРЛИК САНЪАТИ ВА ТИЛ МАДАНИЯТИ

Хожалепесова Хурлиман

*Ўзбекистон Давлат Сан'ат ва Маданият Институти Актёрлик сан'ати
(Драма Театр ва Кино Актёрлиги) Машистратура булими 2-курс талабаси*

Аннотация: Мазкур мақолада актёрлик санъати билан тил маданияти ўртасидаги узвий боғлиқлик таҳлил этилади. Саҳна санъатида нутқнинг аҳамияти, саҳна нутқи маданияти, овоз ва талаффузнинг тўғри қўлланилиши, актёрнинг ролга кириши жараёнида тил маданиятининг таъсири каби масалаларга эътибор қаратилган. Шунингдек, миллий театр ва кино асарларида тил маданиятининг сақланиши ва ривожланиши таҳлил қилинади. Мақолада тил маданияти актёрлик маҳоратининг асосий элементи сифатида ёритилган.

Калит сўзлар: актёрлик санъати, тил маданияти, саҳна нутқи, овоз, талаффуз, саҳнада мулоқот, театр, кино, ижод, нутқ маданияти.

КИРИШ

Актёрлик санъати — бу инсон эҳтирослари, ички кечинмалари ва ҳаётий воқеаларни саҳна ёки экран орқали реал ва таъсирчан тарзда ифода этиш маҳоратидир. У санъатнинг энг ҳаётий ва халққа яқин тури сифатида жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Актёр ўзининг жисмоний ҳаракатлари, мимикалари ва, албатта, нутқи орқали образ яратади. Шунинг учун ҳам, тил маданияти актёрлик санъатининг асосий таянч нуқталаридан бири ҳисобланади.

Тил — инсоннинг фақатгина алоқа воситаси эмас, балки унинг фикрлаш тарзи, маънавий дунёси ва маданиятининг кўзгусидир. Нутқ маданияти эса — тилдан самарали, таъсирчан ва маданий тарзда фойдаланиш қобилиятидир. Актёрлик фаолиятида бу қобилият жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки актёр саҳнада ёки экранда тўғри ва равион сўзлаш орқали нафақат образни яратади, балки томошабин билан маънавий алоқа ўрнатади, унинг туйғуларига таъсир қилади, ҳаёт ҳақида ўйлатади, таълим беради ва тарбиялайди.

Миллий театр ва кино санъатида актёрнинг тил маданияти юқори даражада бўлиши нафақат санъат асарининг таъсирчанлигини оширади, балки томошабинда ўз она тилига бўлган ҳурмат ва эътиборни ҳам кучайтиради. Хусусан, она тилидаги тўғри талаффуз, интонация, риторика ва саҳнавий нутқ техникаси — ҳаммаси тил маданияти билан боғлиқ бўлиб, актёрнинг профессионал даражасини белгилаб беради.

Бугунги кунда замонавий актёрлар олдида қўйилаётган талаблар ортиб бормоқда. Улар фақатгина драматургия матнини ёд олиш ва ижро этиш билан чекланиб қолмай, балки сўз орқали ўз образини ҳаётга татбиқ этиши, нутқини ҳар томонлама ишлаш ва такомиллаштириши, сахнада ўз нутқи орқали катта аудиторияга таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлиши талаб этилмоқда. Бу эса тил маданиятини пухта ўзлаштиришни тақозо этади.

Ушбу мақолада тил маданиятининг актёрлик санъатидаги ўрни, сахна нутқининг таъсирчанлиги, образ яратишдаги ролини атрофлича таҳлил қилиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, тил маданияти орқали миллий қадриятларни сақлаш ва тарғиб қилиш, кино ва театрда фойдаланилаётган тилнинг умумий маданий муҳитга таъсири каби долзарб масалаларга ҳам тўхталиб ўтилади.

Актёрлик санъатида тил маданияти айти жароённинг мустаҳкам устунни ҳисобланади. Актёр образ яратиш жароёнида ўз ҳаракатлари, мимикалари ва ишораларидан ташқари, аввало нутқи орқали мураккаб маъноларни етказди. Шу боисдан ҳам, тил маданияти нафақат умумий маданият даражасининг кўрсаткичи, балки профессионал актёрлик маҳоратининг муҳим омилдир.

Тил маданияти – актёрлик маҳоратининг асоси сифатида

Тил маданияти – бу тилни тўғри, равон ва маданий асосда қўллаш, тингловчи (томошабин)га таъсир кўрсата олиш қобилиятидир. Актёр учун тил маданияти бир неча муҳим элементларни ўз ичига олади:

- Сахна нутқи — тиниқ, равон ва ҳиссиёт билан тўла бўлиши лозим. Бу орқали актёр образнинг ички кечинмаларини ифода этади.
- Талаффуз ва дикция — ҳар бир сўз томошабинга тушунарли ва таъсирли етиб бориши керак.
- Интонация — нутқнинг кайфияти, овоздаги оҳанг ўзгариши орқали мазмунни бойитиш.
- Овозни бошқариш — сахнада овоз баландлиги, тембри, нафас олиш назорати актёр нутқининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Театр ва кино санъатида тил маданиятининг амалий ўрни

Актёрлик санъатининг иккита асосий тури — театр ва кино — тил маданиятини турлича талаб этади. Театр сахнасидан чиқадиган нутқ залда ўтирган ҳар бир томошабинга яққол эшитилиши ва тушунарли бўлиши лозим. Кино санъатида эса актёрнинг нутқи янада табиий, ҳаётий ва оддий тилга яқин бўлиши керак. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам тил маданияти актёрнинг шахсий эрудицияси ва тайёргарлигини акс эттиради.

Масалан, Ўзбекистон миллий театри актёрларининг ижросида тил маданияти юқори даражада эканлиги, уларнинг нутқи орқали томошабинда

катта таъсир қолдириши кузатилади. Бу эса актёрларнинг махсус тайёргарлик ва нутқ машқлари асосида ишлашларини кўрсатади.

Тил маданияти ва образ яратиш жараёни

Актёр образ яратишда персонажнинг ички дунёсига сингиб кетиши лозим. Унинг тили, нутқ услуби, овоз тембри ва сўзлаш манераси – барчаси образнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Масалан, тарихий драмаларда персонажнинг тили, лаҳжаси, грамматик қурилиши ҳам маълум бир даврнинг маданий хусусиятларини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, актёр тилни нафақат техника сифатида, балки ижодий восита сифатида ҳам билади.

Актёрлик таълимида тил маданиятига эътибор

Актёрларни тайёрлаш жараёнида тил маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Театр коллежлари ва университетларида “Саҳна нутқи”, “Орфоэпия”, “Интонация техникаси”, “Хитоб ва дикция” каби фанлар орқали талабаларда тил маданияти асослари шакллантирилади. Улар овоз устида ишлаш, жумла ва сўзларни тўғри талаффуз қилиш, нутқда мантикий танаффуслар қилиш каби машқлар орқали актёрлик қобилиятини мустаҳкамлайди.

Миллий тил ва маданий қадриятларни сақлашда актёрликнинг ўрни

Миллий тил – ҳар бир халқнинг маънавий мероси, унинг маданияти, дунёқараши ва тарихий онгини ўзида мужассам этган бебаҳо қадриятдир. Тил орқали халқ ўз анъаналарини, урф-одатларини, билимини, ижтимоий ва маънавий қарашларини авлоддан авлодга етказиб келади. Ана шу жараёнда актёрлик санъати муҳим восита сифатида намоён бўлади. Театр ва кино санъати халқнинг ҳаётини, унинг кайфияти ва ўтмишини ифода этувчи жонли инъикос бўлгани боис, унда миллий тил ва маданий қадриятлар катта аҳамият касб этади.

Актёр саҳнада ёки экранда фақат бир образни ижро этмайди, балки маълум бир тарихий, ижтимоий, миллий контекстни ҳам намоён этади. Унинг нутқи, ишлатган сўзлари, талаффузи, нутқ маданияти — барчаси халқ тилининг маданий шаклда тақдим этилишига хизмат қилади. Шу боис, ҳар бир актёр миллий тилга ҳурмат билан ёндашиши, унинг тозалигини, сўз бойлигини, орфоэпия қоидаларига риоя қилиб, саҳнада ҳам, кинода ҳам тўғри ва таъсирчан тарзда қўллаши зарур.

Миллий театрларда қўйилаётган асарлар, айниқса, халқ оғзаки ижодига асосланган драмалар, эпик дostonлар, миллий тарихни ёритувчи саҳналар орқали тил ва қадриятлар тирик сақланади. Масалан, “Алпомиш”, “Тахир ва Зухра”, “Курулуш” каби асарларнинг саҳнада намоён бўлиши нафақат саҳна санъатининг ривожига, балки миллий онг ва тилнинг сақланишига ҳам хизмат қилади.

Бундай асарларда актёрлар архаик сўзлар, маҳаллий шевалар, қадимий ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда, миллатнинг тарихий хотирасини янада теран акс эттирадилар.

Бундан ташқари, актёрлик санъати орқали халққа тил маданиятини ўргатиш, тилдаги ноўрин, бегона ва оғзаки лаҳжалардан воз кечишга чорлаш мумкин. Актёрлар оммавий ахборот воситалари, телесериаллар, саҳна кўринишлари орқали фаолият олиб борар экан, улар ўз нутқи билан тингловчиларга намуна бўлади. Шу маънода, актёрлик фақатгина ижод эмас, балки жавобгарлик ҳамдир — тил маданияти ва миллий қадриятларни ҳимоя қилиш масъулияти.

Айниқса, ёш авлод тарбиясида актёрлик санъатининг ўрни жуда муҳим. Чунки болалар ва ёшлар кўпинча актёрларнинг ҳаракатларини, нутқини, ҳатто сўз бойлигини ўзлаштирадилар. Агар актёр саҳнада чиройли, равон, адабий тилда сўзласа, бу ёш томошабинларга тилнинг чинакам гўзаллигини англатади ва уларда она тилига ҳурмат уйғотади.

Шу сабабдан, замонавий театр ва кино ижодкорлари, айниқса, ёш актёрлар ўз улуғ вазифаларини чуқур англаб, миллий тилнинг муҳофази ва ривожига ҳисса қўшишлари, саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам тил маданиятини намоён этишлари зарур. Тил орқали миллатнинг маданияти яшайди, тил орқали халқ ўзлигини асрайди, тил орқали актёр халқ билан маънавий мулоқотда бўлади.

Хулоса

Актёрлик санъати ва тил маданияти ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири иккинчисиз тўлақонли намоён бўла олмайдиган икки муҳим ижодий ва маънавий тушунчадир. Актёр образ яратишда, саҳнада ёки экранда ўз ижроси орқали мухлис қалбига ета олишида, аввало, тил маданиятига таянади. Унинг ҳар бир сўзи, интонацияси, дикцияси ва нутқ услуби нафақат образни жонлантиради, балки томошабиннинг туйғуларига таъсир қилади, уни ўйлашга, англашга ва ҳис этишга ундайди.

Мақола жараёнида таҳлил қилинганидек, тил маданияти актёрнинг шахсий салоҳияти ва профессионал маҳоратини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир. У орқали актёр саҳнада тўғри сўзлаш, нутқ орқали эмоционал таъсир кўрсатиш, образга кириш, риторик санъатдан фойдаланиш ва, энг муҳими, халқ олдида ўзига хос ибратли сиймо сифатида шаклланиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, тил маданияти актёрлик фаолиятининг миллий қадриятлар билан боғлиқ муҳим жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилиши керак. Миллий тилда тўғри сўзлаш, унинг бой сўз хазинасидан самарали фойдаланиш, халқ оғзаки ижодини саҳнада жонлантириш — барчаси миллатнинг маданий юзини сақлашга хизмат қилади. Актёр фақат ижодкор

эмас, балки маънавий етакчи сифатида жамиятда тил ва маданият элчиси вазифасини бажаради.

Хусусан, театр ва кино санъати орқали миллий тилдаги асарларни саҳналаштириш, эпик, драматик, лирик услубларнинг саҳнавий талқинини яратиш — ёш авлодни тилга, маданиятга ва ўзлигимизга ҳурмат билан қарашга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга. Актёр сўзи орқали фақат ролни эмас, балки халқ тафаккурини, туйғусини ва маданиятини ҳам намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий актёр учун тил маданиятини пухта ўзлаштириш нафақат касбий талаб, балки миллий бурч ҳамдир. Тил маданияти актёрлик санъатини бойитади, уни таъсирчан ва ҳаётий қилади, ижодкорни халққа яқинлаштиради ва ижтимоий таъсирини оширади. Шу сабабли, келажакда актёрлар тайёрлаш тизимида тил маданиятига алоҳида эътибор қаратиш, уни мукамал ўргатиш ва амалий фаолиятда самарали қўллаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Холиқулова, Г. Э. Саҳна нутқи (Тарихий драмалар талқинида). Тошкент: Карлоо, 2008.
2. Абдуллаева, М. Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати. Тошкент: Тафаккур қаноти, 2014.
3. Сайфиддинов, А. Адабий асар ва ижрочилик маҳорати. Тошкент: Фан нашриёти, 1980.
4. Носирова, А. Саҳна нутқи. Тошкент: Тафаккур бўстони, 2013.